

## КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА СОЛИҚЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Тоштемиров Тўлқин Тоиржонович**

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси мустақил изланувчиси*

*ORCID: 0009-0001-2983-2017*

*B: 2025.1.PhD/Iqt5079*

**Аннотация.** Мақолада кичик тадбиркорлик субъектларида солиқларни режалаштиришнинг мазмун-моҳияти, амалга ошириш босқичлари ва унинг корхоналар молиявий ҳолатини оширишдаги аҳамиятли жиҳатлари кўриб чиқилган. Шунингдек, солиқларни режалаштиришни такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч иборалар.** Кичик тадбиркорлик субъектлари, солиқ, солиқ сиёсати, солиқ имтиёзи, солиқ юки, солиқ базаси, солиқ ставкаси, солиқларни режалаштириш.

## ВОПРОСЫ НАЛОГОВОГО ПЛАНИРОВАНИЯ В СУБЪЕКТАХ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

**Тоштемиров Тулқин Тоиржонович**

*Самостоятельного соискателя Банковско-финансовой академии*

*Республики Узбекистан*

*ORCID: 0009-0001-2983-2017*

*B: 2025.1.PhD/Iqt5079*

**Аннотация.** В статье рассматриваются сущность и значение налогового планирования в субъектах малого предпринимательства, этапы его реализации и его значимые аспекты в повышении финансового состояния предприятий. Также на основе изучения опыта зарубежных стран по совершенствованию налогового планирования разработаны выводы и предложения.

**Ключевые слова.** Субъекты малого предпринимательства, налог, налоговая политика, налоговые льготы, налоговое бремя, налоговая база, налоговая ставка, налоговое планирование.

## ISSUES OF TAX PLANNING IN SMALL BUSINESS ENTITIES

**Toshtemirov Tulkin Toirjonovich**

*Independent Researcher of the Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan*

ORCID: 0009-0001-2983-2017

B: 2025.1.PhD/Iqt5079

**Abstract.** *The article examines the essence and content of tax planning in small business entities, the stages of its implementation, and its significant aspects in improving the financial condition of enterprises. Also, based on the study of the experience of foreign countries in improving tax planning, conclusions and proposals were developed.*

**Key phrases.** *Small business entities, tax, tax policy, tax benefit, tax burden, tax base, tax rate, tax planning.*

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида ҳам бошқа давлатлар қатори кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш барқарор ўсишни таъминлашдаги муҳим омил ҳисобланади. Улар нафақат янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш, балки бозор эҳтиёжларига тез мослашиб, инновациялар яратиш борасида ҳам аҳамиятлидир.

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулот таркибида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 51,5 фоизни ташкил қилди. Шундан, уларнинг ҳиссасига саноатнинг 26,4 фоизи, хизмат кўрсатишнинг 45,1 фоизи, қурилиш ҳажмининг 77,6 фоизи, қишлоқ хўжалигининг 96,9 фоизи тўғри келган. Шунингдек, экспортнинг 32,0 фоизи (8,5 миллиард доллар), импортнинг 53,7 фоизи (17,8 миллиард доллар) уларга тўғри келган<sup>5</sup>.

Шу боис, солиқ тизими тадбиркорлик муҳитини шакллантириш, иқтисодий фаолликни рағбатлантиришдаги ўрни жуда ҳам муҳим. Ҳозирги кундаги солиқ қонунчилигидаги содир бўлаётган тез ўзгаришлар ва унинг мураккаблиги солиқларни режалаштиришнинг аҳамиятини янада оширади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. XX асрнинг 30-40 йилларида Америка қўшма штатларида бухгалтерия ва юридик фирмалари томонидан солиқларни режалаштириш (tax planning) атамасидан фойдаланиб, мулкӣ ва даромад солиғини камайтириш юзасидан солиқ маслаҳатларини кўрсатган.

Гарвард ҳуқуқ мактаби (Harvard law School) профессори Станлей Суррей (Stanley Surrey) “Paths to a Better Tax System” (1957) номли илмий асарида солиқдан қочиш (tax avoidance) ва солиқни режалаштириш (tax planning)

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. <https://stat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/61445-2025#yanvar-iyun>

ўртасидаги чегараларни илмий жиҳатдан фарқлашга ҳаракат қилган биринчи олимлардан бири ҳисобланади. У асарида солиқни режалаштиришни қонуний восита сифатида тушунтириб, солиқдан қочиш билан фарқлаш кераклигини айтади<sup>6</sup>.

Франциялик иқтисодчи Габриэль Зюкман “оффшор ҳудудлар” ва корпорацияларнинг солиқдан қочиш усуллари бўйича тадқиқотлар олиб борган. У “Халқларнинг яширин бойликлари: солиқ бошпаналари фалокати” (The Hidden Wealth of Nations: The Scourge of Tax Havens) китобида трансмиллий корпорациялар қандай қилиб солиқ базасини йўқотилиши, қайси солиқ режимларидан фойдаланиш зарурлиги масалаларини таҳлил қилган. Шунингдек, солиқ базасининг бузилиш кўламини (БЕПС) миқдорий баҳолаш ва корпоратив оффшор ҳудудларда трансмиллий корпорациялар томонидан қўлланиладиган солиқдан қочиш усуллари бўйича тадқиқотлар олиб борган<sup>7</sup>.

АҚШ Тулейн университети профессори Жеймс Алмнинг асосий тадқиқот йўналишлари солиқларни тўлашга ҳулқ-атвор (tax compliance), солиқдан қочиш (tax avoidance) ва солиқ бузилиши (tax evasion) масалалари бўлиб, юридик ва жисмоний шахслар учун солиқларни режалаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиққан<sup>8</sup>.

Асосий қисм. Солиқларни режалаштиришнинг тўғри стратегиялари тадбиркорларга солиқ юкини камайтириш ва молиявий оқимларни оптималлаштиришга ёрдам беради.

Солиқларни режалаштириш – бу тадбиркорларга қонуний равишда солиқ тўлаш билан боғлиқ харажатларини камайтиришга ёрдам берадиган ҳаракатлардир. Ушбу ҳаракатларнинг асосий мақсади солиқ тўловларини оптималлаштириш ва маълум бир солиқ тури бўйича йўқотишларни камайтиришдир. Масалан, тадбиркор энг кам миқдорда солиқ тўлаш имконини берадиган қулай солиқ режими ёки схемасини танлаши мумкин.

Шу сабабли, кичик тадбиркорларда солиқларни режалаштириш йирик корхоналарга нисбатан ҳам кўпроқ долзарб ҳисобланади.

Гап шундаки, кичик бизнес жадал ривожланаётган ҳозирги шароитда бизнес самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошликни сақлаб қолиш учун замонавий бошқарув ёндашувларидан фойдаланиш зарурати яққол намоён бўлмоқда. Сабаби, кичик бизнес субъектларида малакали бошқарувнинг йўқлиги туфайли йўл қўйилган хатолар, шу жумладан, бундай корхоналарда солиқ оқибатлари йирик ташкилотни бошқариш жараёнида йўл қўйилган хатоларга қараганда анча жиддий оқибатларга олиб келади.

<sup>6</sup> Surrey, Stanley S. Pathways to Tax Reform: The Concept of Tax Expenditures. Cambridge, MA: Harvard University Press, 1973. ISBN: 0-674-65789-6. 418.

<sup>7</sup> Zucman, Gabriel. The Hidden Wealth of Nations: The Scourge of Tax Havens. Translated by Teresa Lavender Fagan; foreword by Thomas Piketty. Chicago: University of Chicago Press, 2015. xii, 129 pp. ISBN 978-0-226-24542-3 (cloth); ISBN 978-0-226-24556-0 (e-book).

<sup>8</sup> Alm, J. (2014). Does an Uncertain Tax System Encourage “Aggressive Tax Planning?”. <http://repec.tulane.edu/RePEc/pdf/tul1403.pdf>.

Солиқларни режалаштириш йўқлиги нотўғри бошқарув қарорларини қабул қилишга олиб келиб, бунинг оқибатлари кичик тадбиркорлик субъектлари учун жиддий бўлиши мумкин.

Бизнесни ривожлантириш учун самарали солиқни режалаштириш тизимидан фойдаланиш орқали маълум даражада ресурсларнинг етишмаслигини бартараф этиш мумкин.

Солиқларни режалаштириш икки тури фарқланади: стратегик ва жорий.

Стратегик жиҳатдан солиқларни режалаштириш қуйидагилардан иборат бўлади.

1. Амалдаги солиқ қонунчилигини ва уни қўллаш бўйича суд амалиётини ўрганиш, солиқ солишнинг аниқлиги тамойилини эътиборга олиш, унга мувофиқ солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликдаги барча зиддиятлар солиқ тўловчилар фойдасига талқин қилинишига эътибор қаратиш.

2. Тадбиркорнинг солиқ мажбуриятларини прогноз қилиш;

3. Тадбиркорлик фаолиятига мос мос келадиган солиқ режимларини таққослаш ва ўрганиш;

4. Тадбиркорни хатарларини баҳолаш;

5. Солиқ харажатларини оптималлаштиришни прогноз қилиш.

Кичик тадбиркорлик субъектларида солиқларни режалаштиришни қуйидаги босқичларда амалга ошириш мумкин бўлади:

1. Солиқ хавфини ўрганиш ва аниқлаш; муайян тадбиркорлик субъекти учун солиқ схемасини ишлаб чиқиш;

2. Фаолиятда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни ҳал этиш йўллари излаш;

3. Келажакда солиқни режалаштириш учун воситаларни танлаш;

4. Фаолиятни танланган солиқ схемасига мувофиқ олиб бориш.

Кичик тадбиркорлик субъектларида солиқларни режалаштиришда фойдаланиладиган усуллар.

1. Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;

2. Солиқ базасини тўғри шакллантириш;

3. Солиқларни турли шаклларини таққослаш (масалан, умумбелгиланган солиқ режими ва соддалаштирилган солиқ режими);

4. Харажатларни тўғри таснифлаш;

5. Қонунчиликда рухсат этилган солиқни оптималлаштириш схемаларидан фойдаланиш.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида солиқ маслаҳати ривожланиши билан тадбиркорларга солиқларни режалаштириш йўналишида солиқ маслаҳати хизматлари ва ўқув курслари пайдо бўлмоқда.

Шунингдек, сунъий интеллект технологияларини ривожланиши солиқларни режалаштириш борасида айниқса кичик тадбиркорлик субъектларга янада қулайликлар яратмоқда.

Хулоса. Умуман олганда, кичик тадбиркорлик субъектларида солиқларни режалаштириш деганда солиқ тўловчининг бюджетга солиқ тўловларини камайтириш мақсадида мавжуд солиқ қонунчилигининг барча нозик жиҳатларидан максимал даражада фойдаланишга қаратилган мақсадли фаолиятини тушуниш мумкин.

Кичик тадбиркорлик субъектларида солиқларни режалаштиришни такомиллаштириш солиқ юки ва уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг натижаларига бевосита боғлиқ эканлиги билан ҳам муҳим ҳисобланади. Солиқларни режалаштириш тадбиркорларнинг солиқ режимини танлаш ва солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имконини беради.

Шу билан бирга, солиқларни режалаштириш орқали солиқларни ўз вақтида бюджетга тўлаш, уларни қонуний тарзда минималлаштириш мумкин. Демак, солиқларни режалаштиришда қўлланиладиган усул ва воситаларнинг самарадорлиги солиқ юкининг миқдорий жиҳатдан камайишида ифодаланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ–5468-сон фармони.
3. Alm.J. (2014). Does an Uncertain Tax System Encourage “Aggressive Tax Planning”. *Economic Analysis and Policy*. Volume 44, Issue 1, March 2014, Pages 30-38.
4. Surrey, Stanley S. *Pathways to Tax Reform: The Concept of Tax Expenditures*. Cambridge, MA: Harvard University Press, 1973. ISBN: 0-674-65789-6. 418.